

## МАҲСУЛОТ СОТИШ ШАРТНОМАСИ № 01/2022

Тошкент шаҳри

«10» май 2022 й

«**GREATIVE-SOLUTIONS**» маъсуляти чекланган жамияти (кейинги ўринларда "Ишлаб чиқарувчи" деб юритилади) Устав асосида фаолият юритувчи **Сафаров Жамшид Исмоилович** номидан бир тарафдан ва «**OLMOS PEANUTS**» маъсуляти чекланган жамияти кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) асосида фаолият юритувчи **М.Хамзаев** иккинчи тарафдан, мазкур шартномани куйидагилар хақида тuzдилар:

### 1. Шартноманинг предмети

1.1. Ишлаб чиқарувчи куйидаги маҳсулотни сотишга, Буюртмачи эса, уларни қабул қилиш ва хақини ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Наименование товаров	Ед. изм.	Кол-во	Цена в сумах	Акц.нал.	НДС	Стоимость поставки с учетом НДС
					Ставка %	Сумма %	
1	Линия по производству арахисовой пасты	Шт	1	<u>510 000 000</u>	Без акц.нал	Без НДС	<u>510 000 000</u>
2	Линия по консервированной упаковке	Шт	1	<u>325 300 000</u>	Без акц.нал	Без НДС	<u>325 300 000</u>
3	Линия по одноразовой упаковке	Шт	1	<u>400 300 000</u>	Без акц.нал	Без НДС	<u>400 300 000</u>
4	Линия по обжарке арахиса	шт	1	<u>203 769 000</u>	Без акц.нал	Без НДС	<u>203 769 000</u>
	Жами						<u>1 439 369 000</u>

Жами: 1 439 369 000 (Бир миллиард тўрт юз уттиз туккиз миллион уч юз олтиш туккиз минг) сўм Без НДС.

### 2. Тўлов тартиби

2.1. Буюртмачи Ишлаб чиқарувчининг ҳисоб рақамига шартноманинг 15 % миқдоридан суммани 20 иш кунда ўтказиши шарт қолган 85% тўлов товар етказиб берилганидан сўнг сўнг фактурага асосан тўлаб берилади.

2.2. Агар шартнома суммаси 40 иш кунда Ишлаб чиқарувчининг ҳисоб рақамига тушмаса, Ишлаб чиқарувчи маҳсулотни нархини ўзгартириши ёки ўзига олинган мажбуриятни бажармаслик ҳуқуқига эгадир.

### 3. Маҳсулотни етказиб бериш муддати ва тартиби

3.1. Маҳсулот Буюртмачига етказиб бериш, Ишлаб чиқарувчининг ҳисоб рақамига шартноманинг олдиндан тўлов 15% суммаси келиб тушгандан сўнг 10 иш кун мабойнида амалга оширилади.

3.2. Маҳсулотни етказиб бериш Ишлаб чиқарувчининг оморидан амалга оширилади. Маҳсулотни олиб кетиш ва унинг харажатлари буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.3. Буюртмачи товарнинг сифатини, сонини ва тўпламини олинган ҳисобварок фактурага асосан Ишлаб чиқарувчининг маъсул ходими олдида текшириб олиши шарт.

### 4. Тарафлар мажбуриятлари

4.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқоралик Кодекси ва “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси”. Тугрисидаги қонунига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4.2. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса – Тошкент шаҳар Хўжалик ва ҳақамлик судида ҳал қилинади.

## **5. Шартноманинг амал қилиш муддати**

5.1. Мазкур Шартнома Тарафлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва шартнома шартлари бажарилгунигача қадар амал қилади.

## **6. Бошқа шартлар**

6.1. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда тарафлар шартнома шартларини бажарилиши мажбуриятидан озод бўлади. Форс-мажор ҳолати юзага келган тараф бошқа тарафга 5 кун маддат ичида ёзма ёки оғзаки маълум қилиши шарт.

6.2. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала Тарафлар орқали имзоланиши керак.

## **7. Коррупцияга қарши шартлар.**

7.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари ҳаракатларга таъсир қилиш учун тўловларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар ва тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳар қандай пул маблағлари ёки қийматларни тўлашга йўл қўймайдилар. ёки ушбу шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний афзалликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун қарорлари.

7.2. Томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда ушбу Битим мақсадларида қўлланиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган пора бериш ёки олиш, тижорат порахўрлик каби ҳаракатларни амалга оширмайдилар. шунингдек, жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювиш) қарши курашиш бўйича амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатлар.

Ушбу Шартноманинг ҳар бир Томони бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришни рад этади, шу жумладан пул маблағлари, совғалар, уларга бепул ишларни (хизматларни) бажариш ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан таъминлаш, бу эса ходимни қўяди. маълум бир қарамликда ва ушбу ходимнинг рағбатлантирувчи Томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишини таъминлашга қаратилган.

7.3. Агар Томон Шартноманинг ушбу бўлимининг ҳар қандай қоидалари бузилган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма хабарномада Томон Шартноманинг ушбу бўлимининг ҳар қандай қоидалари бузилганлигини ёки содир бўлиши мумкинлигини ишончли тасдиқлайдиган ёки тахмин қилиш учун асос берадиган фактларга мурожаат қилиши ёки материалларни тақдим этиши шарт. Ёзма билдиришнома юборилгандан сўнг, тегишли Томон бошқа Томон томонидан бузилиш содир бўлмагани ёки рўй бермаслиги тўғрисида тасдиқланмагунча ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқнома ёзма хабар олинган кундан бошлаб ўн иш куни ичида юборилиши керак.

7.4. Ушбу Битим Томонлар коррупциянинг олдини олиш бўйича тартиб-қоидалар ўтказилишини тан оладилар ва уларга риоя этилишини назорат қиладилар. Шу билан бирга, Томонлар коррупция фаолияти билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш учун оқилона саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш учун бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатадилар. Шу билан бирга, Томонлар томонларни коррупцион фаолиятга жалб қилиш хавфининг олдини олиш мақсадида текширишлар ўтказиш тартиб-қоидаларининг амалга оширилишини таъминлайдилар.

хавфининг олдини олиш мақсадида текширишлар ўтказиш тартиб-қоидаларининг амалга оширилишини таъминлайдилар.

7.5. Томонлар ушбу Битимни бажариш доирасида тақдим этилган фактлар бўйича конфиденсиаллик тамойилларига риоя қилган ҳолда тегишли жараённинг амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайди.

Томонлар Битимнинг ушбу бўлими қоидаларини амалга ошириш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, умуман сўраган Томон учун ҳам, сўров юбораётган Томоннинг қонунбузарликлар факти тўғрисида хабар берган алоҳида ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар бўлмаслигини кафолатлайди.

7.6. Ходимнинг уни рағбатлантирган томон фойдасига амалга оширган хатти-ҳаракатлари қуйидагича тушунилади:

- бошқа контрагентларга нисбатан асоссиз устунликлар бериш;
- ҳар қандай кафолатлар бериш;
- амалдаги тартибларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз меҳнат вазифалари доирасида амалга оширилган, бироқ Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид келадиган бошқа ҳаракатлар.

7.7. Агар Томонлардан бири Шартноманинг ушбу бўлимида тақиқланган ҳаракатлардан воз кечиш бўйича ўз мажбуриятларини бузса ва/ёки бошқа Томон ушбу Шартномада кўрсатилган муддатда бузилиш содир бўлмагани ёки рўй бермаслиги тўғрисида тасдиқнома олмаса, бошқа Томон шартномани бекор қилиши мумкин. ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда. Ушбу Шартнома Шартноманинг ушбу бўлими қоидаларида назарда тутилган асосларга кўра, ташаббуси билан бекор қилинган томон, бундай бекор қилиш натижасида этказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

## 8. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1 Шартнома Ҳазначиликда рўйхатдан ўтказилгандан кейин қучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади ва 2 нусxada тўзилган.

## 9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

	Ишлаб чиқарувчи:	Буюртмачи :
Корхона номи	MCHJ GREATIVE-SOLUTIONS	"OLMOS PEANUTS" MCHJ
СТИР	306879870	308861506
Юридик манзил	QORASU-6, 12-64	Наманган вилояти Чуст туман Олмос к
Телефон/факс		
Ҳисоб рақами N	20208000205145736001	20208000705438492001
Банк	АКБ "Тенге банк" Тошкент ф-ли	ЧЭКИ "Хамкорбанк" Чуст ф-ли
МФО	01176	01160
ХХТУТ		

## 10. Тарафларнинг имзолари ва муҳрлари

Ишлаб чиқарувчи:




Буюртмачи:





“ТАСДИҚЛАЙМАН”



М. Ҳамзаев

2022 йил "10" май

**БАЁННОМА № 01/05-2022**

**Ранелик қилувчи: М. Ҳамзаев -  
OLMOS PEANUTS МЧЖ раҳбари**

**Қатнашувчилар:**

**комиссия аъзолари**

*(У. Хикматов, У. Хониёзов, Б. Хаиткулов, З. Пулатов, Б. Абдиқаҳҳоров )*

**КУН ТАРТИБИ:**

**OLMOS PEANUTS МЧЖга Ряд оборудованини по производстве арахисовой пасты жихозларини етказиб бериш буйича,**

2022 йил 26 апрелдаги давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Ряд оборудованини по производстве арахисовой пасты” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “GREATIVE-SOLUTIONS” масъулияти чекланган жамияти голиб деб топилганлигини инобатга олиб, ушбу харид муносабати билан “GREATIVE-SOLUTIONS” МЧЖ билан шартнома имзолансин.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимида жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 26 апрелдаги баённомасига асосан “GREATIVE-SOLUTIONS” хусусий корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб корхона билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

**Комиссия аъзолари:**

**OLMOS PEANUTS МЧЖ  
OLMOS PEANUTS МЧЖ  
OLMOS PEANUTS МЧЖ  
OLMOS PEANUTS МЧЖ  
OLMOS PEANUTS МЧЖ**

*У. Хикматов* У. Хикматов  
*У. Хониёзов* У. Хониёзов  
*Б. Хаиткулов* Б. Хаиткулов  
*З. Пулатов* З. Пулатов  
*Б. Абдиқаҳҳоров* Б. Абдиқаҳҳоров